



## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР ҲИСОБИ ВА НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

---

**Суванкулов Алиаскар Раҳмонкулович**

*“Бюджет ҳисоби ва газначилик иши”*

*кафедраси доценти*

*Тошкент молия институти*

*E-mail: Ali@sar.uz.*

*ORCID:0000-0002-7686-8000*

### **Аннотация**

Миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар шароитида бюджет ташкилотлари бюджетдан молиялаштирилишларидан ташқари қўшимча даромад олиш имконияти муҳим аҳамият касб қилади. Ушбу маблағларнинг бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ҳисобларига тўлиқ келиб тушиши ва ушбу маблағлардан фойдаланишда ички назоратни сифатли ташкил этиш бюджет ташкилотлари ходимларининг манфаатларини ошириш ва мавжуд бириктирилган мулк ва бошқа имконларидан самарали фойдаланишни таъминлайди, ҳамда тадбиркорликни янада ривожлантириш имконларини кенгайтиради.

**Таянч иборалар:** бюджет ташкилоти, молия, маблағ, бюджет тушуми, рағбарлантириш, бюджет бухгалтерияси, бюджет ҳисоби, бюджет ҳисоботи, бюджет назорати.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И КОНТРОЛЯ ФОНДА РАЗВИТИЯ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

---

**Суванкулов Алиаскар Раҳмонкулович**

*доцент кафедры “Бюджетный*

*учет и казначейское дело”*

*Тошкентский финансовый институт*

*E-mail Ali@sar.uz.*

*ORCID 0000-0002-7686-8000*



### Аннотация

В условиях масштабных реформ в национальной экономике важна возможность получения бюджетными организациями дополнительных доходов помимо бюджетного финансирования. Полное зачисление этих средств на внебюджетные счета бюджетных организаций и качественная организация внутреннего контроля за использованием этих средств повысит заинтересованность работников бюджетных организаций и эффективное использование имеющегося закрепленного имущества и других возможностей, а также расширит возможности для бизнеса.

**Ключевые слова:** бюджетная организация, средства, поступления, стимулирование, бухгалтерия бюджета, бюджетный учет, бюджетная отчетность, бюджетный контроль.

## THE DEVELOPMENT FUND IN BUDGETARY ORGANIZATIONS

**Suvankulov Aliaskar Rahmonkulovich**

*Associate Professor of the Department of Budget  
accounting and treasury"  
Tashkent Financial Institute  
E-mail Ali@sar.uz.  
ORCID 0000-0002-7686-8000*

### Annotation

In the context of large-scale reforms in the national economy, it is important that budget organizations receive additional income in addition to budget financing. The full crediting of these funds to off-budget accounts of budgetary organizations and the high-quality organization of internal control over the use of these funds will increase the interest of employees of budgetary organizations and the effective use of available assigned property and other opportunities, as well as expand business opportunities.

**Keywords:** budget organization, means, revenues, renting, stimulus, accountant staff, fluctuation of personnel.

### КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида давлат бюджетининг ўрни ва моҳияти ўсиб бормоқда. Давлат бюджети бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларни фаолиятини молиялаштириш, яъни давлатнинг вазифаларини



таъминлашни амалга ошириш мақсадида шакллантирилади. Бу вазифаларни моҳияти турли фавқулодда вазиятлар шароитида (уруш, табиий офат ва бошқалар) яққол намоён бўлади. Хусусан, КОВИД – 19 шараитида дунёнинг барча мамлакатларида бюджет харажатларини кескин ошиши кузатилди. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2020 йилда келтирилган маълумотларига кўра «Пандемия ва инқироз шароитида ривожланган мамлакатларда бюджет харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоизини ташкил қилиб, давлат секторидаги ташкилотлар бандликни таъминлаш нуқтаи назаридан энг катта иш берувчи ҳисобланиши таъкидланган»[16] дейилган.

Иқтисодиётда давлат сектори ташкилотларини молиялаштириш, асосан, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан амалга оширилади. Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши бевосита уларнинг ҳисобини самарали ташкил этиш, молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларининг очиқлиги ҳамда уларни назоратини ташкил этиш билан билан узвий боғлиқ. Шу сабабдан ҳам, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида бюджет ижроси ҳисоби ва ҳисоботини давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари асосида ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бюджет тизимини ислоҳ этишда «бюджет ҳисоби тартибини Давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IPSAS) уйғунлаштириш»[4], халқаро стандартлар талабаларидан келиб чиқиб бюджет ижросига оид ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш, бюджет тизимида маблағларнинг сарфланиши бўйича ҳисобдорликни кучайтириш, бюджет ижроси жараёнида замонавий ахборот тизимларини қўллаш қўламини кенгайтиришни талаб этмоқда. Шу билан бирга, бюджет тизими бюджетлари ижроси ҳисобини тизимли тарзда касса усулидан ҳисоблаш усулига ўтказиш орқали бюджет ҳисоботлари ахборотларининг таҳлилий имкониятларини оширишни тақозо қилмоқда. Ўз навбатида, ушбу жиҳатлар бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисоботига оид мавжуд методологик асосларни чуқур тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бу жараён бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш ва унинг назоратини кучайтиришга қаратилгандир.

Мамлакатимизда Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджет тизимини ташкил этади.



Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари таркибига бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет ташкилотларининг ундириладиган тўловлар ҳисобига шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлари киради.

Бюджет ташкилотларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни молиялаштириш манбаларини ўрганадиган бўлсак, фикримизча, аввало, Давлат бюджети харажатлари таркибида катта улушга эга бўлган ижтимоий соҳа, яъни таълим ва тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Чунки, ушбу соҳа ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар улушини кўпайтириш орқали бюджет юқини бир оз бўлсада, камайтириш ва уларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб моддий манфаатдорликни таъминлаш натижасида фаолиятнинг ривожланишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони[2], 2017 йил 21 августдаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3231-сон[3] ҳамда 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон Қарор[5]лари ҳамда мазкур масалага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар фаолиятини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда назорат усулларини такомиллаштириш масалалари киритилган.

Ўзбекистонда Бюджет кодекси[1]ни қабул қилиниши мамлакатда бюджет тизимини фаолиятини мужассамлаштириш борасида муҳим қадам бўлди. Жумладан, ушбу ҳужжат бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари жамғармаларини фаолиятини мужассамлаштириш ва фаолиятини янада такомиллаштириш учун муҳим аҳамият касб қилади.

Бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришда бюджетданташқари маблағларнинг аҳамияти ва зарурлигидан келиб чиқиб, ушбумаблағларни шакллантириш, тасарруф этиш ва уларни сарфлаш билан боғлиқмуносабатларни тартибга солувчи катор норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар



ишлабчикилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Бюджетташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тугрисида”ги 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори [6] билан бюджетташкилотини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва ушбу маблағлардан фойдаланишнинг тартиби белгиланган. Ушбу тартибга кўра, бюджет ташкилотларида ривожлантириш жамғармасидаромад(тушум)ларини шакллантириш манбалари ва уларни сарфлаш йўналишлари белгилаб берилган.

Мазкур норматив ҳукукий-хужжатларнинг талаблари асосида бюджетташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини мустақил тузиб тасдиқлаган ҳолда молия органларига тақдим этади. Юқорида келтирилган ҳукукий хужжатларда белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфи ва назорати амалга оширилади.

#### **Адабиётлар шарҳи.**

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор илмий натижалар олинган.

Жумладан, республикамиз иқтисодчи олимларидан А.З.Авлоқулов, С.У.Меҳмонов, А.А.Остоноқулов, З.У.Хамидовалар томонидан бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит, бюджет ҳисоби, ҳисоботи ва назорати, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий масалалари ҳамда уларни ривожлантириш йўналишлари ўрганилган<sup>1</sup>. [8,9,10,11]

Россиялик олим Е.Н.Шафигуллина нуқтаи назаридан., бюджетдан ташқари жамғармалар молиявий тоифа сифатида "пул тақсимлаш муносабатлари мажмуини ифодалайди, бунинг натижасида давлат молиявий ресурслари жамғармалари мажбурий суғурта ва бошқа даромадлар асосида шаклланади, энг муҳим давлатни амалга ошириш учун мўлжалланган.

---

<sup>1</sup>Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дис. автореферати. –Т.: 2019.-74 б.; Меҳмонов С.У., Кулибоев А.Ш. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоби. Ўқув қўлланма, «Иқтисод-молия» 2018. 186 б., Остоноқулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Т.: «VNESHINVESTPROM», 2021. - 208 б., Хамидова З.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари. Монография. – Т.: «VNESHINVESTPROM» 2021. 183 б.



бюджетга киритилмаган харажатлар» Дарҳақиқат, пенсия, ижтимоий ва тиббиёт соҳалари давлат фаолиятининг энг муҳим йўналишлари бўлиб, катта харажатларни талаб қилади. Ва фақат бундай маблағларни бюджетдан олиб ташлаш, уларга қандайдир тизимли мустақиллик бериш уларга бундай харажатларни эркин амалга ошириш ва кейинчалик бу жараённи назорат қилиш имконини беради.[12]

Годин А.М., Горегляд В.П., Подпорина И.В. нуқтаи назаридан. , “Бюджетдан ташқари жамғармалар – бюджетга киритилмаган айрим давлат эҳтиёжларини молиялаштириш учун давлат томонидан жалб қилинган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш шакли. Маблағлар ресурслари комплекс тарзда, оператив мустақиллик асосида маблағларнинг мақсадига қатъий мувофиқ равишда сарфланади.[13]

Н.И. Химичева ва Е.В. Покачалованинг қайд этишича, “...бирлашма шартлилиги давлат ва маҳаллий бюджетлардан бюджетдан ташқари маблағлар ўртасида уларнинг мақсади, мақсадли мазмуни ва ҳуқуқий режими бўйича сезиларли фарқ борлиги билан боғлиқ.[14]

Калов З.А., Курашев Ф.М., Хациева Л.У. “Дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида бюджетдан ташқари жамғармалар давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, деб ҳисоблаймиз. Уларнинг сони ва жамланган маблағларнинг умумий ҳажмининг кўпайиши иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун характерли хусусиятдир. Бу иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлатнинг ўрни ортиб бораётгани билан боғлиқ.” деб ҳисоблашишади.[15]

Масалан, Европа Иттифоқи давлатларида давлатнинг бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармаларининг бошқа тизими ҳам мавжуд.

Бу мамлакатларда ижтимоий соҳани молиявий таъминлашда давлат иштирокининг иккита модели мавжуд. Биринчи модель давлатнинг ижтимоий таъминот ва суғурта соҳасига максимал даражада аралашмаслиги ва бу жараёнларни тижоратлаштиришга асосланади. Иккинчи моделда эса ижтимоий ҳимояни молиявий таъминлаш жараёнларига давлат таъсирининг ҳар томонлама даражасига асосланган "давлат патернализми" билан тавсифланади.

Мавжуд моделларнинг ҳеч бири ягона самарали ёки ҳар қандай камчиликларсиз деб тан олинмайди. Бу борада олимлар ва мутахассислар ўртасида мунозаралар мавжуд. Хусусан, бутун масъулиятни ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга ўтказиш жамиятда ижтимоий норозиликни



келтириб чиқариши мумкин ва бу фуқаронинг умумий даромадига солиқ юкининг ошишига олиб келади деб ҳисобланади. Шу билан бирга, давлатнинг авазифасига юклаш ҳам ижтимоий ҳимоянинг характерини ҳам, сифатини ҳам белгилайди, бу эса маълум даражада барча муҳтожларнинг эҳтиёжларини қондира олмайди деб ҳисобланади.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Мавжуд миллий қонунчиликка асосан бюджет ташкилотларида ҳисобот даври сўнггида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар, бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми, белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар, ҳомийликдан олинган маблағлар юзасидан даромадлар вужудга келади. Ушбу даромадлар бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси даромадлари саналади.

Ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағларнинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши ушбу турдаги маблағларнинг кўпайишига олиб келади ва бюджет маблағлари бўйича касса харажатларни вужудга келтиради.

Бюджет ташкилотларининг фаолият ихтисослиги бўйича товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан олинган даромадлар ташкилотда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ амалга оширилган харажатлар ва уларни сотишдан олинган тушумлар ўртасидаги ижобий фарқ, яъни фойда натижасида пайдо бўлади. Бюджет ташкилотларида фаолият турига хос ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойданинг ривожлантириш жамғармаси даромадига ўтказилади.

Бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларни бир қисмининг ривожлантириш жамғармасига келиб тушиши «Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низом асосида амалга оширилади. «Ижара тўлови ижарага олувчи томонидан ижара тўловининг охирги белгиланган миқдоридан ва ижаранинг қолган муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган даврлар (ҳар чоракда, ҳар ойда ва шу каби) бўйича тенг миқдордаги тўловлар билан тўланади. Тўлов ижара шартномасида



кўрсатилган муддатларда ҳар бир навбатдаги давр (чорак, ой ва шу кабилар) учун юз фоиз олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилади»<sup>2</sup>. [7]

Бюджет ташкилотларида мол-мулкни ижарага беришдан олинган тушумлар шартномада белгиланган муддатларда (график асосида) олдиндан келиб тушади ва шу асосда ижарадан тушумларни ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси даромадларига ўтказилиши лозим.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, сарфлаш йўналишлари белгиланган. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан (шу жумладан, оширилган тўлов-контракт асосида) тушган маблағлар белгиланган тартибда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида барча харажат гуруҳларини молиялаштиришга сарфланади.

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини ва мавжуд кредиторлик қарзларини тўлаш, бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари, бюджет ташкилоти ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирлари учун фойдаланилади.

Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда даромадлар ҳамда ушбу маблағлар билан боғлиқ харажатлар асосан касса ва ҳақиқий харажатлар йўналишдаги ахборотлар келтирилади. Фойдаланувчи ушбу ҳисобот шакли орқали жамғарманинг пул маблағлари қолдиқлари ва уларнинг ҳаракати, даромадларнинг таркибий тузилиши ва даврий ўзгариши, амалга оширилган харажатларнинг таркиби ва уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш имконига эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори [ ] да белгиланган талабларнинг бажарилганлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади.

Давлат бюджетдан ташқари жамғармаларининг бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назорат, шунингдек давлат бюджетидан ташқари жамғармалари маблағларининг қонунийлиги ва ўз

---

<sup>2</sup>«Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрель, 102-сон қарорига илова)





вактида ҳаракатланиши устидан назорат тегишли давлат аудити (назорати) органлари томонидан амалга оширилади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича фаолиятда ва уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда назоратини самарали ташкил этиш давлат молиявий тизими учун жуда катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга.

Бюджет тизимида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси ҳисоби ва назоратини ташкил этишда солиқ юкини камайтириш, бюджет харажатларини оптималлаштириш билан боғлиқ ислохотларни амалга оширишда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, Давлат бюджетидан молиялаштирилувчи бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш муҳим йўналишлардан бири саналади. Шу билан бирга, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар турлари ва уларнинг улушини кўпайтириш бюджет ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ривожланиш жамғармаси маблағлари ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ фаолият бухгалтерия ҳисоби ва бюджет ҳисоби билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг таркиби, уларни тузиш ва тақдим этиш тартибини такомиллаштириш ҳозирги даврнинг муҳим талабидир.

Бизнинг фикримизча бюджет ташкилотларининг молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағларини келгуси молиявий йил учун сметаларни тузишда қайта тақсимламасдан кейинги молия йилида олдин белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўтказиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз эса навбатида, бюджетдан ташқари маблағларни молия йили давомида даромад ва харажатлар сметаларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланишларини таъминлайди. Бу эса Ўзбекистонда жорий этилаётган ўрта муддатли бюджетлаштириш усули талабларига мос келади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ривожланиш жамғармалари бўйича сметалар доирасида амалга ошириладиган харажатларни уларнинг келиб тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан



қоплаш имконияти юзага келса, тасдиқланган ҳажмларга нисбатан кўпайтиришга рухсат бериш мақсадга мувофиқ. Оқибатда бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан сметалар бўйича амалга ошириладиган харажатларни уларнинг қоплаш манбалари доирасида кўпайтириш, фаолият учун зарур бўлган харажатларни қисқа муддатда амалга ошириш ва ҳисоб-китоб қилиш имкониятини беради.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. 2013, 26 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3231-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тугрисида”ги 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрель, 102-сон қарорига илова «Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низом.
8. Авлокулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дис. автореферати. –Т.: 2019.-74 б.
9. Мехмонов С.У., Кулибоев А.Ш. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоби. Ўқув қўлланма, «Иқтисод-молия» 2018. 186 б.,



10. Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Т.: «VNESHINVESTPROM», 2021. - 208 б.,

11. Хамидова З.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари. Монография. – Т.: “VNESHINVESTPROM” 2021. 183 б.

12. Шафигуллин Э.Н. Финансово-правовые основы обязательного пенсионного страхования // Российская юстиция. 2019. № 5. С. 12–13.

13. Годин А.М., Горегляд В.П., Подпорина И.В. Бюджетная система: учебник. 9-е изд., перераб. и доп. М.: Дашков и Ко, 2019. С. 398.

14. Химичева Н.И., Покачалова Е.В. Финансовое право: учеб.-метод. комплекс. М.: НОРМА, 2015. С. 177.

15. Калов З.А., Курашев Ф.М., Хациева Л.У. Финансовая система пенсионного страхования // Фундаментальные исследования. 2018. № 1. С. 25–29.

16. International Monetary Fund (IMF). 2020. Fiscal Monitor: Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic. Washington, April. <https://www.imf.org/en/Publications/FM/Issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>

### САЙТЛАР

[www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

[www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.